



# ЎЗБЕКISTОН BUNYODKORI

ЎТМОЙ-ЎТМОЙ GAZETA

СТРОИТЕЛЬ УЗБЕКИСТАНА

№ 65 (618)  
2022 йил 16 август,  
сешанба

uzbunyodkor

t.me/uzbunyodkor

info@uzbunyodkor.uz

Газета 2016 йил 2 августдан  
хафтанинг сешанба ва  
жума кунлари чиқади.

## ЎЗБЕКISTОН ВА ТУРКИЯ ЕТАКЧИЛАРИ ИККИ ТОМОНЛАМА КУН ТАРТИБИДАГИ ДОЛЗАРБ МАСАЛАЛАРНИ МУҲОКАМА ҚИЛДИЛАР

15 август куни Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Туркия Республикаси Президенти Режеп Таййип Эрдоган билан телефон орқали мулоқоти бўлиб ўтди.

Ўзбекистон билан Туркия ўртасидаги кенг кўламли стратегик шериклик муносабатларини янада мустаҳкамлаш ва кўп қиррали ҳамкорликни кенгайтириш масалалари кўриб чиқилди. Олий даражадаги келишувларга мувофиқ ўзаро алоқалар ва сермахсул алмашинувлар юқори суръатда давом этаётгани мамнуният билан қайд этилди.

Мамлакатимизда Туркиянинг етакчи компаниялари иштирокидаги қўшма инвестиция лойиҳалари фаол амалга оширилмоқда. Ўзаро савдо кўрсаткичлари ўсумоқда, транспорт ва логистика соҳаларида кооперация алоқалари кучаймоқда. Биргаликдаги гуманитар дастурлар рўйбга чиқарилмоқда.

Икки мамлакат етакчилари минтақавий масалаларга тўхталар эканлар, август ойининг бошида Тошкент шаҳрида Ўзбекистон, Туркия ва Озарбайжон ташқи ишлар, савдо ва транс-

порт вазирларининг учрашуви муваффақиятли ўтказилганидан гоҳта мамнун эканларини таъкидладилар. Ушбу форматдаги амалий ҳамкорликнинг давом эттириш муҳимлиги қайд этилди.

Шунингдек, халқаро ва минтақавий тузилмалар, шу жумладан, Туркия давлатлар ташкилоти ва Шанхай ҳамкорлик ташкилоти доирасидаги ҳамкорлик масалалари юзасидан фикр алмашилди.

Давлатимиз раҳбари шу кунларда Туркиянинг Коня шаҳрида ўтаётган ва ўзбекистонлик спортчилар муваффақиятли иштирок этаётган бешинчи Ислон бирдамлиги ўйинлари юксак даражада ташкил этилганини алоҳида таъкидлади.

Ўзбекистон ва Туркия Президентларининг телефон орқали мулоқоти хар доимгидек самимий ва дўстона руҳда ўтди.

Ў.А.

## ЎЗБЕКISTОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ДАВЛАТ ТАШРИФИ БИЛАН САУДИЯ АРАБИСТОНИГА БОРАДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Икки муқаддас masjid ходими – Саудия Арабистони Подшоҳи Салмон бин Абдулазиз Ол Сауднинг таклифига биноан 17-18 август кунлари давлат ташрифи билан ушбу мамлакатда бўлади.

Ташриф дастурига мувофиқ, Жидда шаҳрида олий даражадаги Ўзбекистон – Саудия саммитининг асосий тадбирлари бўлиб ўтади.

Музокаралар кун тартибидан мамлакатларимиз ўртасидаги кўп қиррали ҳамкорликни, энг аввало, савдо-иқтисодиёт, инвестиция, энергетика, молия соҳаларида ва маданий-гуманитар йўналишда янада кенгайтиришнинг долзарб масалалари ўрин олган.

Алоҳида эътибор "яшил" иқтисодиёт, юқори технологиялар ва рақамлаштириш, тиббиёт, кичик бизнес ва тадбиркорлик соҳаларида қўшма лойиҳа ва дастурларни амалга оширишга қаратилади.

Саммит якунида икки томонлама битимларнинг салмоқли тўпламини имзолаш режалаштирилган.

Ташриф дастурида Саудиянинг етакчи компаниялари, нуфузли халқаро тузилмалар – Ислон ҳамкорлик ташкилоти ва Ислон тараққиёт банки раҳбарияти билан учрашувлар ҳам кўзда тутилган.

Саудия Арабистонига давлат ташрифи чоғида давлатимиз раҳбари барча муслмонлар учун муқаддас Макка ва Мадина шаҳарларини зиёрат қилиши кутилмоқда.

Ў.А.

## ПРЕЗИДЕНТ ТАШРИФИДАН СЎНГ...

### Уй олишни истаганларга комплекс хизмат кўрсатувчи марказ иш бошлади



3-бет

## МЕҲНАТИНГИЗНИНГ РОҲАТИНИ КЎРИНГ, АЗИЗ БУНЁДКОРЛАР!



Фақатгина овоз ва обод, тинч ва фаровон заминдагина бунёдкорлик ишлари амалга оширилади. Фақат шундай гўзал юртга байрамлар ярашади. Кунни кеча гўзал пойтахтимиз яна бир тантанга гувоҳ бўлди. Ўз бағридан миллионлаб юртдошларимизга жой берган она шаҳар бугун яна минглаб кишиларга мезбонлик қилди. Меҳмонлар юрт қурувчилари – жонажон ватанимизнинг маҳоратли бунёдкорлари, лойиҳачилари, меъморлари шу соҳада фидокорона меҳнат қилиб келаётган захматкаш касб эгалари бўлди.

Президентимизнинг 2017 йил 7 августдаги "Ўзбекистон Республикаси қурилиш соҳаси ходимлари кунини нишонлаш тўғрисида"ги фармонида асосан август ойининг иккинчи акшанбаси "Қурилиш соҳаси ходимлари кунини" деб эълон қилинган. Беш йилдирки, айнан шу кун юртимиз тараққиётига ўз ҳиссасини қўшиб келаётган захматкаш касб эгалари ардоқланиб, соҳада фаолият юритаётган фаол ходимлар тақдирлини одатга айланган.

Қурилиш соҳаси ходимлари кунига бағишланган бу йилги тантанали тадбир пойтахтнинг энг муқташам маскани – Халқаро форумлар саройида бўлиб ўтди. Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси раҳбарининг ўринбосари – Президентнинг Матбуот котибига Шерзод Асадов, Ўзбекистон

Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринбосари Ачилбай Раматов, шунингдек республикамизнинг барча вилоятларидан қурилиш соҳаси ходимлари иштирок этишди. Президент Шавкат Мирзиёевнинг соҳа ходимларига байрам табригини Президентнинг Матбуот котибига Шерзод Асадов ўқиб эшиттирди.

Юртбошимиз табригида бугунги кунда Янги Ўзбекистон тараққиёт стратегияси доирасида барча ислохотларимиз марказига инсон қадрини, унинг ҳаёт манфаатларини таъминлаш бош мақсад қилиб қўйилган алоҳида таъкидланди. Ана шундай улғувор вазифани амалга оширишда бошқа соҳалар қатори қурилиш соҳаси, унинг улкан имкониятлари ҳал қилувчи аҳамиятга эга. Шунингдек, Президентимиз ўз табригида таъкидлаганидек, олиб борилаётган

ислохотлар натижасида аҳоли пунктларида комплекс ёндашуви, уй-жой, турли бино ва иншоотлар билан бирга ижтимоий соҳа объектлари, таълим, маданият марказлари, истироҳат боғлари, болалар майдончаси, спорт масканларини бунёд этишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бунинг амалий тасдиғи сифатида 2022 йилда инвестиция дастури бўйича 1 минг 868 та ижтимоий объектида қурилиш, реконструкция ва капитал таъмирлаш ишлари олиб борилаётганини таъкидлаш ўринлидир.

Маълумотларга кўра, республикада қурилиш ишлари ҳажми 2010 йилда 8,2 триллион сўми, 2012 йилда 11,7 триллион сўми, 2014 йилда 20,1 триллион сўми, 2016 йилда 29,4 триллион сўми, 2018 йилда 51,1 триллион сўми, 2020 йилда 88,1 триллион сўми ташкил қилган. Жорий йилнинг май ойи якунлари бўйича эса ушбу кўрсаткич 45 триллион сўми ташкил этди. Бу кўрсаткичларни амалга оширишда самарали фаолият олиб бораётган ходимлар Қурилиш соҳаси ходимлари кунига бағишланган тадбирда эътироф этилди.

2-бет

## ЧИҚИНДИХОНАЛАР ЛОЙИҲАЛАШТИРИЛАДИ

Ислон ИБОДУЛЛА,  
"O'zbekiston bunyodkori" мухбири.

Эндиликда янги қурилган кўп квартиралар уйлари чикинди тўплаш қисмлари белгиланган тартибда қурилади. Бу ҳақида яқинда қабул қилинган "Чикиндилар билан боғлиқ ишларни ташкил этиш тизимини ислоҳ қилиш бўйича биринчи навбатдаги чора-тадбирлар тўғрисида"ги Президент фармонида келтириб ўтилган.

Шунингдек, фармонга кўра, тадбиркорлик субъектлари – санитар тозалаш корхоналарини ундириладиган қуйидаги мажбурий тўловлар бекор қилинади:

санитар тозалаш бўйича ихтисослаштирилган корхоналар республика билан шартнома билан санитар тозалаш хизматларини кўрсатганлик учун ундириладиган 5 фоиз миқдордаги ажратмалар;

санитар тозалаш хизматларини ташкил этиш марказларига санитар тозалаш хизматларини кўрсатганлик учун ундириладиган тўловлардан 5 фоиз миқдордаги ажратмалар.

2026 йил 1 январгача асосий фаолият чикиндиларни тўплаш, олиб чиқиш кетиш, саралаш ва қайта ишлаш ҳисобланган тадбиркорлик субъектлари учун ушбу фаолият тури бўйича фойда солиғи ва ижтимоий солиқ ставкаси 1 фоиз миқдорда қўлланилади. Қаттиқ маиший чикиндилар билан боғлиқ ишларни амалга ошириш соҳа-

сида хизмат кўрсатишга ихтисослашган давлат корхоналари ҳисобидаги махсус автотранспортлар ва техникаларини давлат-хусусий шериклик асосида хусусий шерикка бериш мuddати 7 йилдан 10 йилга ҳамда бир йиллик имтиёзли давр билан узайтирилади.

Кичик тадбиркорлик субъектлари бўлган санитар тозалаш корхоналарига:

инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш доирасида банкларнинг миллий валютада ажратиладиган кредитлари бўйича 50 фоизгача (50 фоиз ҳам қиради), бироқ умумий қиймати 2,5 миллиард сўмдан ошмаган миқдорда кафиликлар;

2024 йил 1 январгача инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш доирасида банкларнинг миллий валютада ажратиладиган, умумий қиймати 5 миллиард сўмдан, фоиз ставкаси Марказий банк асосий ставкасининг 1,5 бараваридан ошмаган кредитлари бўйича унинг асосий ставкадан ошган, бироқ асосий ставканинг 30 фоизидан кўп бўлмаган қисмини қоплаш учун уч йил мuddатгача "2+1" тамойили асосида компенсациялар тақдим этилади.

2023 йил 1 январдан янги қуриладиган кўп квартиралар уйлари чикинди тўплаш жойларини белгилашдан лойиҳалаштириш ҳамда фойдаланишга қабул қилиш тақиқланади. 2022 йил 1 октябргача аҳолига қаттиқ маиший чикиндиларни тўплаш ва олиб чиқиш кетиш хизматлари учун тўловларни барча мавжуд тўлов тизимлари орқали амалга ошириш имконияти яратилади.

## Кўп квартиралар уйлари ҳудудида қўшимча объект қуриш тақиқланади

Райҳона ХЎЖАЕВА,  
"O'zbekiston bunyodkori" мухбири.

Маълум бўлишича, юртимизда фаолият олиб бораётган 772 та уй-жой мулкдорлари ширкатларининг 311 тасида муаммоли кредитор қардорликлар мавжуд бўлиб, 2,5 мингдан зиёд кўп квартиралар уйларида истиқомат қилувчи аҳолига тегишли хизматлар кўрсатилмай ёки сифатсиз кўрсатиб келинапти. Шу каби муаммоларни бартараф этиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 4 августдаги "Кўп квартиралар уйлари бошқариш тизимини янада такомиллаштириш ва бошқарувчи ташкилотларини молиявий соғломлаштириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги ПҚ-346-сонли қарори қабул қилинди.

Қарор билан, 2022 йил 1 сентябргача муаммоли кредит қарзи бор уй-жой мулкдорлари ширкатининг (ЖЭК) бошқарув усулини ўзгартириш бўйича умумий йилги қарори қабул қилинса, улар давлат томонидан қўллаб-қувватланади. Бунда муаммоли банк кредитлари бор ширкатлар банкнинг ҳулосаси

олинган тақдирда тугатилиши мумкин. Тугатилган ёки бошқариш усули ўзгартирилган ширкатлар бошқарувидаги кўп квартиралар уйлари бошқариш учун, қоида тариқасида, рейтинг юқори бўлган бошқарувчи ташкилотлар жалб қилинади. Шунингдек, Уй-жой коммунал хизмат қўрсатиш вазирлиги жалб қилинган бошқарувчи ташкилот фаолиятини, хизматлар сифатини 6 ой мониторинг қилади ва кўп квартиралар уйлари бошқариш фаолиятини амалга ошириш қоидаларига риоя қилмаган бошқарувчи ташкилотларга чораларни қўллайдди.

2022 йил 1 ноябрдан кўп квартиралар уйлари бошқаришда бир қатор янги тартиб-қоидалар қўлланилади. Хусусан:

кўп квартиралар уйлари бошқариш органлари бошқарув фаолиятини, улар электрон реестрга киритилгандан сўнг амалга оширилади; уйлари қуриш лойиҳа ҳужжатларида, кадастр паспортларида умумий фойдаланишдаги мулк рўйхати аниқ кўрсатилмади;

қурилиши тугалланган кўп квартиралар уйлари рухсатнома берилгандан сўнг лойиҳа ҳужжатлари, кадастр паспорти ва мазкур рухсатномага умумий мол-мулкни камайтириш ва туташ ерда қўшимча объект қуриш учун ўзгартириш киритиш тақиқланади.

# МЕХНАТИНГИЗНИНГ РОҲАТИНИ КЎРИНГ, АЗИЗ БУНЁДКОРЛАР!

1-бет

Юз-кўзида ҳаётидан мамнулик, шундай шарафли касбда ишлаётганидан фахр туйғуси акс этиб турган соҳа ходимларининг таассуротларига қулоқ тутдик.

**Элдор ИСААКОВ,  
Қурилиш соҳасида  
назорат инспекцияси бош  
мутахассиси:**



– Юртбошимизнинг қурилиш соҳаси ходимларига йўлаган табригини тинглаб, жуда қувондик. Биласизми, инсон қайси касбда ишлашидан қатъи назар, меҳнатининг эътирофи этилиши унга янада катта куч ва ғайрат бағишлайди. Юртимизда амалга оширилаётган улкан бунёдкорликларда Қурилиш соҳасида назорат инспекциясининг ҳам ҳиссаси катта бўлмоқда. Хусусан, жорий йилнинг 1 июль ҳолатига кўра Қурилиш соҳасида ҳудудий назорат инспекциялари томонидан Давлат дастурларига қиритилган 28 668 та объектлар қурилиш-монтаж ишлари назоратга олинган бўлиб, 26 093 таси

рўйхатдан ўтган. Ушбу объектларда 56 668 маротаба назорат ишлари амалга оширилди. Аниқланган камчиликларни бартараф этиш бўйича бажарилиши мажбурий бўлган 55 424 та ёзма кўрсатмалар берилиб, шундан, 41 205 таси бартараф этилган.

Булardan ташқари, яқинда Қурилиш вазирлигининг буйруғига асосан, инспекциянинг Марказий аппарати томонидан "Қурилишда давлат назорати" миллий ахборот тизими ишлаб чиқилди. Мазкур тизим синов тариқасида Қурилиш соҳасида ҳудудий назорат инспекцияларида ишга туширилиб, Инспекция бошлиқлари, ўринбосари, АКТ мутахассиси, Буюртмачилар бўлими, Қурилиш-монтаж ишлари устидан назорат бўлими иштирокида семинарлар ташкил этилди. Ҳудудлардаги қурилиш объектларига чиқиб, янги жорий этилаётган тизимнинг қулайликлари, қурилиш объектларига бириктирилган масъул ходимларнинг жавобгарликлари, сифат назорати ва объектларни фойдаланишга қабул қилишнинг шаффоқлигини таъминлаш юзасидан инспекторлар томонидан ёзма кўрсатмалар берилди. Айтиш мумкин, уларнинг ижроси бўйича ишлар олиб борилмоқда.

Фурсатдан фойдаланиб, соҳада фидокорлик билан меҳнат қилаётган барча юртдошларимизни касб байрами билан яна бир бор табриклайман.

**Облоқул МИРЗАЕВ,  
"Andijon Fuqaro Loyiha"  
МЧЖ раҳбари:**

– Юртимизда уй-жойлар, маданий-маиший ва замонавий инфратузилма объектлари қурилишининг кўлами кенгайгани таҳсинга лойиқ. Шундай ишларни амалга ошираётган бунёдкорларга эътибор соҳа ходимларини янада ишчанликка ундамоқда. Бу Ўзбекистон Республикаси қурилиш соҳаси ходимлари кунда янада яққол намоён бўлди. Юртбошимизнинг табригини тинглаб, бу соҳада фаолият юритаётганимдан, шу

заминни ривожига учун ҳисса қўшаётганимдан ғурурандим, ростки. Айтиш мумкин, юртимиздаги 50 нафар ишчи қурилиш лойиҳаларини ташкил қилиш билан шуғулланиб, Андижон вилояти кўрқига кўрқ қўшиб келмоқда.

**Дониёр ЖУМАНОВ,  
12-трест, 65-қурилиш  
бошқармаси бошлиғи:**



– Бошқармаимиз пойтахтимиздаги энг кўркам биноларни қуриш ва реконструкция қилиш ишлари билан шуғулланиб келяпти. Ишимизда энг аввало, сифат ва мукаммалликни биринчи ўринга қўямиз. Айтиш мумкин, пойтахтимиздаги Киночилар уйи, "Ўзбекфильм" АЖга қарашли павильонларни қайта қуриш ишларини бажаряпмиз. Объектлардаги иш жараёни икки сменада ташкил қилинган бўлиб, 400 нафар ишчи-ҳодим меҳнат қиляпти. Объектни нолдан бошлаб қуриб, кириб ишлайдиган ёки яшайдиган ҳолатда топшираимиз. Қурилиш соҳаси ходимлари кунин билан барча ҳамкасбларимизни табриклайман.

Машаққатли аммо шарафли касбларда уларга омад доим ёр бўлсин. Юртимиз тараққиётига ҳисса қўшишдан асло чарчашмасин!

**Абдисамад БАЛГАЕВ,  
СамДАҚИ Архитектуравий  
лойиҳалаш кафедраси  
доценти:**



– Эллик йилдан буён архитектура ва қурилиш соҳасида кадрларни тайёрлашга ўз ҳиссамизни қўшиб келяпмиз. "Янги Ўзбекистон"ни бунёд этишда шогирдларимизнинг фаол иштироки жамоамизга куч-қудрат бағишламоқда. Ҳозирги бунёдкорлик ишларининг барчасида биз ва шогирдларимизнинг ҳам ҳиссаси бор, деб уйлайман.

Юртимизда ҳар қандай соҳага бўлган қараш негизда ёшларга эътибор ётади. Юқорида сўз юритган ўқитувчи, мураббий, қурувчи устозларнинг дилида ҳам ватанимизни гўзаллигига гўзаллик қўшишдай эзгу ўйлар бор. Амир Темури бобомиз бежизга "Бизнинг қудратимизга ишонмасангиз, биз қурган биноларга боқинг", деб айтмаган эди.

**Зухра ШОДМОНОВА,  
Тошкент архитектура-  
қурилиш институти  
ўқитувчиси:**

– Бугунги шодиёна билан барча касбдошларимизни табриклайман. Шу кунгача кўплаб шогирдларни тайёрлади, улар доимо раҳмат айтиб келишди. Шундай кезлари улар бажараётган бунёдкорлик ишларида биз берган таълим-тарбиянинг ҳам ҳиссаси борлигини қувонамиз. Қуни кеча юртбошимиз институтимизнинг янги биносини бориб кўрди, ўқитувчи ва талабалар билан суҳбатлашди. Бу ҳам ўз навбатида соҳага малакали кадрларни тайёрлашга янада яхши имкон яратади. Эндилда қурилишда назария билан амалиётни баравар олиб бориш учун турли лаборатория ва марказлар институтимизни ўзида фаолият юритади. Келгусида янада малакали кадрлар тайёрлашимиз учун мустақкам замин яратилди.

**Элёр КОМИЛОВ,  
Қурилиш вазирлиги  
бошқарма бошлиғи:**

– Ҳозир кўчадан шу муҳташам биного келгунга қадар ҳам бир қанча бунёдкорлик ишларига гувоҳ бўлдик. Булар биргина Тошкент шаҳридаги ўзгаришлар, холос. Масалан, "Nest One" биносини оладиган бўлсак, у Япония технологияси асосида қурилган. Байрам тантанаси бўлаётган мана шу бино ва қурилаётган бошқа уй-жойлар юртимизнинг бугунги қиёфасини яратишга ҳисса қўшмоқда. Охириги беш йилда 58 миллион квадрат метрдан ортиқ уй-жой қурилди. Бу тарихий воқеа, яъни, бу дегани 218 мингта уй-жой қурилиб, 218 минг оила уйли бўлди дегандир. Уларнинг орасида ижтимоий ҳимояга муҳтож аҳолининг ҳам ватанли бўлгани кишини қувонтиради. Биласизми, биз аввал нечта имконияти чекланган ёки ёлғиз эёл борлигини билмаган эканмиз. Бугун уларнинг ҳар биттасига алоҳида эътибор берилиб, имтиёзли кредитлар,



субсидия орқали қўллаб-қувватлаш йўлга қўйилди. Бу жараёнда қурилиш соҳасидаги тадбиркорларга ҳам яхши имконият берилган бўлса, қанча аҳоли ватанли бўляпти. Охириги беш йилликда қилинган ислохотлар, яъни, янги нормаларни ишлаб чиқиш, уларни амалга татбиқ этиш, шунингдек, хорж билан ҳамкорлик алоқаларини ўрнатган ҳолда қурилиш соҳасига хорж тажрибасини олиб киришга ҳам бугун алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Кейинги йиллардаги асосий ислохотларни айтадиган бўлсак, бу "Шаффоф қурилиш" миллий ахборот тизимининг яратилганидир. Рақамлаштиришда инсон омилнинг чекланишидан мақсад, коррупцияга қарши аёвсиз курашишдан иборат. Янги лойиҳаларни ишлаб чиқиш бўйича яқинда Президентимиз томонидан ўтказилган видеоселекторда кўрсатилган вазифалар бўйича топшириқлар белгилаб берилди. Вазирликда буйруқлар тайёрланиб, тегишли ходимларга ўз вақтида бажариш бўйича кўрсатмалар берилди.

Бугун фурсатдан фойдаланиб, барча ҳамкасбларимизни, қурувчи ва лойиҳачиларни, меъморлар ва пудратчиларни бунёдкорлар байрами билан чин дилдан табриклайман.



Тантанали тадбир давомида таниқли санъаткорлар иштирокида ташкил этилган концерт дастури йиғилганларга янада кўтаринки кайфият бағишлайди. Тантаналар давомида вазирилик раҳбарияти томонидан фаол ходимлардан бир гуруҳига фахрий ёрлик ва қимматбаҳо совғалар топширилди.

Байрам тадбирида вазирилик ва Касаба уюшма кўмитаси ташаббуси билан соҳада фаолият юритаётган жонкуяр ходимлар аниқланиб, турли номинациялар бўйича тақдирланишди. Унга кўра, "Энг намунали ходим" номинацияси бўйича Қурилиш вазирлиги Аппарат раҳбари ёрдამчиси Азизбек Рустамов ҳамда Ижро назорати бўлими бош мутахассиси Учқунжон Ҳалилов, "Энг фаол ходим" номинацияси бўйича Архитектура ва шаҳарсозликни ри-

вожлантириш бошқармаси бошлиғи ўринбосари Жаҳонгир Анваров ҳамда Кадрлар бўлими мутахассиси Мадина Мамадалиева, "Энг ижодий ёндашувчан ходимлар" номинацияси бўйича Қурилишда техник меъёраш ва янги технологияларни жорий этиш бошқармаси етакчи мутахассиси Жамолдин Бўтаёров ҳамда Марказий бухгалтерия бош мутахассиси Баҳром Сирлибаев, "Энг талабчан ходим" номинацияси бўйича Ижро назорати бўлими бошлиғи Вағиф Мамедов ҳамда вазирилик биринчи ўринбосари ёрдამчиси Умид Азимов, "Энг масъулиятли ходим" номинацияси бўйича "Шаҳарсозлик ҳужжатлари экспертизаси" ДУК бошқарма бошлиғи Жамшид Ражабов ҳамда Қурилиш соҳасида назорат инспекцияси бўлим бошлиғи Шерзод Низамов,

"Энг ташаббускор ходим" номинацияси бўйича "Шаффоф қурилиш" маркази бўлими бошлиғи Шаҳзод Абдуғаффаров ҳамда Девонхона мудири Гулшаной Отабоева лойиқ кўрилди.

Қурилиш соҳаси ходимлари кунини муносабати билан Наманган шаҳри Давлатобод туманидаги "Meridian" тантаналар мажмуасида вилоят қурилиш соҳасида фидокорона меҳнат қиляётган, моҳир қурувчи ва муҳандислар, уста ва меъморлар, лойиҳачи ва пудрат ташкилотлари вакиллари учун тантанали байрам тадбири бўлиб ўтди.

Тантанали маросимда вилоят ҳоқими Шавкатжон Абдуразақов ва вилоят секторлари раҳбарлари иштирок этишди.

Вилоят ҳоқими йиғилганларни кириб келаятган мустақиллигимизнинг 31 йиллик шодиёналари ҳамда қурилиш соҳаси ходимлари кунин билан самимий табриклаб, байрам тилакларини билдирди.

Наманганлик қурувчиларнинг ютуқларига алоҳида тўхталган вилоят раҳбари "Қурилишлар қанча кўп ва сифатли бўлса, шаҳар ва қишлоқлар обод, гўзал бўлади. Бу ерда яшаётган инсонларнинг кайфияти ҳам юқори бўлади. Хурсанд бўлиб айтишимиз мумкинки, бугун мамлакатимиз бўйлаб бунёд этилаётган "Янги Ўзбекистон" массивлари дастурининг пайдо бўлиши, вилоят ташкилотлари вакиллари учун катта масъулият талаб этади", деди ўз сўзида.

Қорақалпоғистон Республикаси қурувчилари ҳам байрамни катта тантана билан нишонлашди. Қорақалпоқ зами-

нини ҳар томонлама обод масканга айлантиришда ҳудудда меҳнат қиляётган қурувчиларнинг ҳаракатларини алоҳида таъкидлаш лозим. Улар Президентимиз бошлаган ташаббусларга ҳамоҳанг тарзда иш юритиб, туман ва шаҳарлар қиёфасини замонавийлаштириш учун бор кучларини аямаяпти. Ана шундай шижоат билан улар касб байрамини кутиб олишди.

Қорақалпоғистон Республикаси Қурилиш вазирлигининг мажлислар залида Ўзбекистон Республикаси Қурилиш вазирлигининг ўринбосари Уктам Тураев, Қорақалпоғистон Республикаси Қурилиш вазири Жалғасбай Бердиқановлар бунёдкорларни касб байрами билан табриклашди. Шундан сўнг, қурилиш соҳасида фаол меҳнат қилиб, ҳамкасбларига ибрат кўрсатаётган бир гуруҳ соҳа

ходимларига Ўзбекистон Республикаси қурилиш вазирлигининг ташақкурномаси ва эсдалик совғалари топширилди.

Байрам тадбирлари Қашқадарё вилоятида ҳам бўлиб ўтди. Тадбирда вилоят ҳоқими Муротжон Азимов қурилиш соҳаси вакиллари касб байрами билан табриклаб, юртимиз ободлиги ва халқимизнинг фаровон ҳаёт йўлида шубҳасиз бунёдкор қурувчиларимизнинг ўрни бекиёслигини таъкидлади. Шунингдек, ўз соҳасининг чинакам жонкуяри бўлган қурувчилар вилоят ҳоқимлиги томонидан фахрий ёрлик ҳамда қимматбаҳо эсдалик совғалари билан тақдирланишди.

Ана шундай байрам тантаналари юртимизнинг бошқа вилоятларида ҳам бўлиб ўтди.

Ўз мухбирларимиз.



## ПРЕЗИДЕНТ ТАШРИФИДАН СЎНГ...

# УЙ ОЛИШНИ ИСТАГАНЛАРГА КОМПЛЕКС ХИЗМАТ КЎРСАТУВЧИ МАРКАЗ ИШ БОШЛАДИ



**Уй-жой сотиб олиш, Ватан ичра ватан қилиш ёқимли ташвиш. Бу йўлда ҳаракат бошлаган борки, кўпинча турли қийинчиликларга дуч келади. Кимгадир қўшмача пул, кимгадир ҳуқуқий маслаҳат керак.**

“Ҳали қурилиши бошланмаган кўп қаватли уйдан хонадон сотиб олиш учун олдиндан тўлов қилсам, алданиб қолмайманми? Ўзи субсидия кимларга берилади, уни олиш учун нима қилишим керак? Арзон уй-жойлардан ипотека кредити асосида қандай оласан бўлади?” Бу каби саволларнинг жавоби уй олиш истагида бўлганларнинг кўпчилигига албатта қизиқ.

Саволларнинг жавоби ҳақида уйлаётганман, ўтган йили Шаҳбоз исмли шифокор дўстимизнинг Тошкентдан бир хонали уй олгани ёдимга тушди.

У шунда ҳали пойдевори ҳам ташланмаган кўп қаватли уйдан бир хонали хонадонга тўлов қилди. Бошланғич бадални йўқ, беш йил мобайнида ойлик тўловини қилса кифоя. Биргина “лекин” деган жойи бор – уйнинг калитини роп-пурса бир йилдан кейин топширишади. Қандай ажойиб!

Афсуски, орадан беш-олти ой ўтиб, нимагадир ўша уйнинг қурилиши тўхтади. Харидорларнинг тўлаб қўйган пуллари секин-аста қайтариб бериладиган бўлди. Қурувчи ташкилот ваздасини бажаряпти – ҳозир ҳам зарар кўради.

Бу каби ҳолатлар бўлмаслиги учун нима қилмоқ керак? Шу ва мақола аввалида келтирилган қатор саволларга батафсил жавобни пойтахтимизнинг Яшнобод туманида ташкил этилган Тошкент ипотека маркази фаолияти билан танишиш асосида топдик.

Давлатимиз раҳбари яқинда – 10 август куни ушбу марказни бориб кўрди. Унинг фаолиятини такомиллаштириш, одамларга янада қўлайлик яратиш борасида мутасаддиларга кўрсатмалар берди.

Тошкент ипотека марказининг фаолияти нимадан иборат?

Тошкент ипотека маркази барчага – ер участкалари сотиб олишни истаган тадбиркорларга, девелоперлик компанияларига ҳамда ипотека кредити асосида хонадон сотиб олишни истаган жимсоний шахсларга бирдек фойдали платформа.

– Бизда пойтахтда қурилаётган уйлар, уларга хизмат кўрсатадиган банклар, ипотека кредитлари, субсидия олиш шартлари ҳақида батафсил маълумотлар бор, – деди Тошкент ипотека маркази директори Жамшид Саидов ЎЗА мухбири Икром Аввалбоевга. – Шунингдек, марказимиз одамларга аукцион орқали ер участкалари, уй-жойлар ва тижорат кўчмас мулкларни сотиб олишга кўмак беради. Бундай мулкларни харид қилиш шартлари ҳақида ҳам батафсил маълумот тақдим қиламиз. Шунингдек, ер участкаларини сотиб олиш жараёнида тадбиркорларга ҳам кўмак берилади. Уй-жойга бўлган ҳуқуқни давлат рўйхатидан ўтказиш масалаларида ҳам ёрдамлашади. Барча хизматлар бир жойда кўрсатилиши натижасида кўплаб оворагарчиликларнинг олди олинади.

Марказга уй сотиб олувчи харидор келса, уни эшик олдида кутиб олган ходимлар кенг залнинг ўнг томонига бошлайдди. Ёпиқ майдонда турли қурилиш ташкилотларининг савдога қўйган уй-жойлари макетига кўзингиз тушади. Макет яқинида савдо бўлимлари ходимлари барча саволларингизга жавоб беришга ҳозир. Эътиборлиси, шу жойнинг ўзида ҳуқуқий маслаҳат олиш учун юридлик соҳа ходимлари, олди-сотди қилиш учун нотариуслар, шартнома ва тўловлар учун тижорат банклари вакиллари бор.

Энг муҳими, бу ерда кўрсатилган уйларнинг, қурилиши охирига етмаганларнинг ҳам барча хат-ҳужжатлари ўз ўрнида бўлади. Тўлов қилганларга кейинчалик кадастр ҳужжати тўғриси бўлмагани, қурилишга рухсат берилмагани каби баҳоналар рўқча қилинмайди.

Уй қуриш, ер участкасини сотиб олишга келганлар эса марказга киришлари билан чап томонга йўналтирилади. Уларга ҳам барча қўлайликлар яратилган. Пойтахтнинг қаеридан қандай қурилиш қилса бўлади, деган саволга марказнинг ўзидан жавоб топилади. Харидорга қурилиш қилса бўладиган ҳудудлар макети кўрсатилади. Тадбиркорнинг барча саволларига тегишли мутахассислар батафсил жавоб беради.

Бу каби марказларнинг ташкил этилишига эҳтиёж қанчалик юқори?

Бугун аҳолини уй-жой билан таъминлаш масаласига эътибор ҳар қачонгидан ҳам юқори. Мамлакатимизда давлат ва хусусий сектор томонидан кўплаб уйлар қурилмоқда. Уларни қўлай нархларда сотиб олишга кўмаклашиш мақсадида эса ипотека кредитлари ажратилаётгани эътиборга молик. Сир эмас, бу борадаги имкониятлардан кўпчилик беҳабар. Жорий йилда ипотека кредитлари учун тижорат банкларига бюджетдан 13 триллион сўм ажратилиши кўзда тутилган. Лекин олти ойда аҳолига ана шу маблағнинг 30 фоизигина берилгани бу фикрларнинг асосли эканини тасдиқлайди.

Давлатимиз раҳбари жорий йил 6 июлда ўтказилган видеоселектор йиғилишида ҳам бу масалага алоҳида тўхталган эди. Соҳада бюрократияни қайта ташкиллаштириш, аҳолига комплекс хизмат кўрсатадиган ипотека марказлари ташкил қилиш зарурлигини айтган эди.

Тошкент ипотека маркази Президентнинг мазкур топшириғи асосида иш бошлади. Бу ерда ипотека бозоридagi тақлифлар умумлашган ва шаффоф тизим йўлга қўйилган.

Президент мутасаддиларга ҳудудларда ҳам шундай марказлар ташкил қилиш бўйича топшириқ берди. Халқимиз турмушини яхшилаш учун қанча қарорлар чиқаётгани, қўлайликлар яратилаётгани таъкидланди. Лекин кўпчилик бундан тўла хабардор эмаслигини қайд этди.

Бу марказ уй олишни истаганларга комплекс хизмат кўрсатиб, оғирини енгил қилиши айтилди. Шунингдек, Президент энди марказнинг электрон платформаларини ривожлантириб, одамларга янада қўлайлик яратиш кераклигини таъкидлади. Ипотека кредити олиш билан боғлиқ ортиқча қоғозбозликнинг олдини олиш, бу йўналишда хорж илгор тажрибаларини ўрганиш, уй-жой қуришни ҳудудлар кесимида таҳлил қилиш лозимлиги бўйича ҳам аниқ вазифалар тушунтирилди.

Дарҳақиқат, бу каби лойиҳаларнинг қўллаб-қувватланиши соҳадаги кўплаб масалаларнинг ҳал этилишига асос бўлиши шубҳасиз.

Бугунги кунда Тошкент ипотека марказининг www.iprotekmarkazi.uz расмий сайти фаолияти ҳам йўлга қўйилди. Такомиллаштириш ишлари давом этаётган ушбу веб-ресурс орқали ипотека мавзусидаги турли саволларга жавоб топиш, соҳага оид қонунчилик базаси ва янгиликлар билан танишиш имкони мавжуд.

## БАРЧАСИ ИНСОН МАНФААТЛАРИ УЧУН

**Фозилжон ҚОСИМОВ,**  
“O‘zbekiston bunyodkori”  
мухбири.

Президентимизнинг “Жаҳон банкининг халқаро тараққиёт уюшмаси ва Осиё инфратузилмавий инвестициялар банки иштирокида “Қишлоқ инфратузилмасини ривожлантириш” лойиҳасини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорига кўра, 2020 йилнинг сўнги чорагидан бошлаб республикамизнинг 5 та вилоятида, шу жумладан, Жиззахда ҳам аҳолининг фаол иштирокида бир қанча лойиҳалар амалга оширилмоқда.

Лойиҳа доирасида Бахмал тумани, “Бахмал” қишлоқ фуқаролар йиғини ҳудудида қурилган замонавий йўл ўтказкичи алоҳида эътироф этиш жоиз. Умумий қиймати 1 млрд 300 млн сўмдан зиёд

бўлган, узунлиги 32 метр, кенглиги 9 метрни ташкил этадиган мазкур кўприк қурилиши чинданда 9 та қишлоқ аҳли учун мустақиллигимизнинг 31 йиллиги олдидан катта совға бўлди.

“Қишлоқ инфратузилмасини ривожлантириш” лойиҳаси доирасида амалга оширилаётган ишларнинг навбатдигиси Сарой қишлоғидagi 220 ўринли янги мактаб биносининг қурилишидир. Фойдаланишга яроқсиз ўқув маскани ўрнида янги ва замонавий муассаса қад ростламоқда. Информатика, кимё-биология каби махсус ўқув хоналари, турли тадбирлар ўтказишга мўлжалланган фаоллар зали янги ўқув йили олдиндан нафақат ўқувчи ва ўқитувчилар, балки қишлоқ аҳли учун ҳам катта совғага эришди.

Бахмалликларнинг кўп йиллик орзуларини рўйга чиқаришда ёрдам бераётган бу каби лойиҳалар Зоминда ҳам кенг қўлоқ ёйган. Туманининг “Кўштол” МФЙ ҳудудини

тоза ичимлик суви билан таъминлаш лойиҳаси доирасида тармоқ тортилиб, маҳалла ҳудудида тик қудуқлар қурилди ва 3 дон суви минораси ўрнатилди. Қиймати 3 млрд 400 млн сўмдан зиёд бўлган лойиҳа натижасида худуд аҳли тоза ичимлик сувига эга бўлди. Тоза ичимлик суви таққилиғи муаммоси “Дуоба” МФЙдаги Бойтепа қишлоғи аҳлини ҳам қийнаб келарди.

Ушбу лойиҳа доирасида туманининг “Гулшан” МФЙда ҳам эътироф этишга арзирли бир қанча ишлар қилинди. Жумладан, маҳаллада қарийб 12 километр ички йўллар шағаллаштирилган бўлиб, узунлиги 1 километрни ташкил этувчи пиёдалар йўлакчаси ётқизилди. Мазкур чора-тадбирлар натижасида маҳалланинг 5 минг нафарга яқин аҳолиси, мактаб ёшидаги болалар хавфсиз ҳаракатланиш имкониятига эга бўлди. Айтиш керакки, Жиззахда бу каби йирик лойиҳалар амалга оширилиши давом этмоқда.

## Маҳалла фуқаролар йиғинининг янги биноси фойдаланишга топширилди



**Жиззах вилоятининг Ғаллаорол тумани “Оқотом” маҳалла фуқаролар йиғинининг янги маъмурий биноси фойдаланишга топширилди.**

Шу муносабат билан ўтказилган тадбирда Ўзбекистон “Маҳалла” хайрия жамоат фонди вилоят бўлими, туман ҳокимлиги, туман секторлари ва мутасадди ташкилотлар раҳбарлари, маҳалла фаоллари, ёшлар, жамоатчилик ва оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этди.

Тадбирда юртимизда маҳалла институти фаолиятини ҳар томонлама ривожлантириш, аҳоли мувожаатлари билан ишлашда унинг ўрни ва ролини янада ошириш мақсадида соҳа ходимларига зарур шарт-шароитлар яратилаётгани, бугунги кунда юртимизнинг барча ҳудудлари сингари Жиззах вилоятининг шаҳар ва туманларида ҳам қишлоқ ва маҳалла фуқаролар йиғинлари ходимлари учун янги бинолар қурилиб, фойдаланишга топширилаётгани ва буларнинг барчаси мамлакатимизда амалга оширилаётган тув ислоҳотлар самараси экани таъкидланди.

Иштирокчилар “Оқотом” МФЙ янги биносининг хоналарини кўздан кечириб, маҳалла ходимлари учун яратилган шарт-шароитлар билан яқиндан танишиди, деяр хабар беради ЎЗА мухбири Абдуҷалол Қаюмов.

Ўтган 2021 йилда “Маҳалла” фонди томонидан Жиззах вилоятидаги 54 та фуқаролар йиғинлари компьютер жамланмаси ҳамда 66 та фуқаролар йиғинлари мебель жиҳозлари билан таъминланди. Шунингдек, Вазирлар Маҳкамасининг тақсимида асосан 838 нафар маҳалла ходимига 1 миллиард 400 миллион сўм миқдоридан бир марталик моддий ёрдам

кўрсатилди. 17 нафар “Маҳалла ифтихори” қўрақ нишон соҳиблари “Маҳалла” фонди ҳисобидан сихаттоҳларда соғлигини тиклади.

Ўтган 6 ой мобайнида ижтимоий ҳимояга муҳтож ва табиий офатдан жабр кўрган 802 нафар фуқарога жами 264 миллион 556 минг сўм миқдоридан хайрия ёрдами кўрсатилди.

“Маҳалла” фондининг шаҳар, туман бўлими хузуридаги “Саховат ва кўмак” жамғармасига юридик ва жисмоний шахслар томонидан жами 8 миллиард 708 миллион 761 минг сўм хайрия маблағлари жамланиб, 12 минг 828 оилага 5 миллиард 65 миллион 430 минг сўм ижтимоий ёрдам кўрсатилди.

Бундан ташқари, “Темир дафтар”даги 997 оилага жами 2 миллиард 369 миллион 148 минг сўм, “Аёллар дафтари”даги 175 нафар хотин-қизини қўллаб-қувватлаш учун 166 миллион 732 минг сўм миқдоридан маблағ сарфланди.

Мазкур тадбир жараёнида “Маҳалла” фонди ҳисоб рақамига тушган маблағлар ҳисобидан шаҳар ва туманлардаги 16 та маҳаллага компьютер жамланмалари ҳамда 34 та маҳаллага мебель жиҳозлари тарқатилди.

Очилиш маросимидан сўнг маҳалла биносининг ўзида “Маҳалла” фонди вилоят бошқаруви раиси Абдуҷамид Сатторовнинг фуқаролар қабули ташкил қилиниб, Ғаллаорол туманидаги маҳаллалардан қабулга келган фуқароларнинг соғлигини тиклаш ва даволатишда моддий ёрдам ажратиш, оилавий аҳоли ноқорлиги сабабли бир марталик моддий ёрдам кўрсатиш каби масалалардаги муносабатлари эшитилди.

“Оқотом” маҳалла фуқаролар йиғинидаги ижтимоий ҳимояга муҳтож ва кам таъминланган фуқароларнинг хонадонларига борилиб, “Маҳалла” фонди ҳисобидан озик-овқат маҳсулотлари ва бошқа турдаги совғалар тарқатилди.

## ИСТИҚБОЛИ ЛОЙИҲАЛАР ИҚТИСОДНИ МУСТАҲКАМЛАЙДИ

**Абдусами ҲАҚБЕРДИЕВ,**  
“O‘zbekiston bunyodkori” мухбири.

Маҳаллийлаштириш дастури истеъмолимизга тобора кенг татбиқ этилаётгани натижасида мамлакатимиздаги ишлаб чиқариш корхоналарининг салоҳияти ва иқтисодий имкониятлари тобора яхшиланиб бормоқда. Таҳлиллар шуни кўрсатмоқдаки, сўнги икки йил оралиғида табиий ҳомашёлардан самарали фойдаланилаётгани туфайли маҳсулотларнинг ҳажми ошиб борапти.

Жойларда бу борада амалга оширилаётган ишлар юзасидан жорий йилнинг ўтган давридаги таҳлиллар шуни кўрсатмоқдаки, маҳаллийлаштириш

дастурига кўра, жорий йилда биргина Бухоро вилоятида 137 та истиқболли лойиҳа юзасидан 547,6 миллиард сўмлик импорт ўрнини босувчи маҳсулот-

лар ишлаб чиқариш белгиланган бўлиб, ўтган олти ой оралиғида уларнинг 118 тасида 541,1 миллиард сўмлик 250 турдан ортиқ маҳсулотлар ишлаб чиқарилди. Жумладан, қурилиш материаллари саноатида 33 та лойиҳа татбиқ қилиниб, 60,7 миллиард сўмлик импорт ўрнини босувчи маҳсулотлар тайёрланди.

Шуни алоҳида айтиш жоизки, маҳаллийлаштириш имкониятларидан тўлиқ ва мақсадли фойдаланилаётгани натижасида вилоятдаги бир неча ишлаб чиқариш ташкилотлари экспортёр корхоналар мақомига эга бўлиб, Россия,

Канада, Исроил ва Португалия каби давлатлардаги бозорларни ҳам забт этишди. Шу сингари корхоналарнинг ҳаракатлари билан йилнинг биринчи ярмида вилоят бўйича жами ҳудудий экспорт ҳажми 120 миллион АҚШ долларини ташкил этиб, белгиланган прогноз ижроси 114,9 фоизга бажарилди.

Агар бу тармоқлар кесимида таққосланса, саноат маҳсулотлари экспорти режаси 102,2 миллион долларга етказилган. Экспорт фаолиятига 25 дан ортиқ янги корхона жалб этилгани ҳам шундай ютуқларга эришишга замин

яратди. Вилоятдаги иқтисодий мутахассисларнинг эътирофларига кўра, жорий йил якунигача 271 миллион долларлик маҳсулотлар экспорт қилиниши режалаштирилган бўлиб, бунинг учун етарли имкониятлар мавжуддир.

Маҳаллийлаштириш дастурини ҳаётга кенг татбиқ этиш мақсадида айтиш керакки, вилоят ҳудудларида ташкилий ва тадбир ишлар амалга оширилмоқда. Хусусан, Давлатимиз раҳбарининг 2021 йил 17 ноябрдаги “Ғиждувон” эркин иқтисодий зонаси фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори асосида Пешку ҳамда Қоровулбозор туманлари ҳудудларидан 200 гектар ер майдони ажратилди. Эркин иқтисодий зонаси раҳбарияти ана шу ҳудудларда умумий қиймати 39,1 миллион долларга тенг бўлган лойиҳаларни жойлаштириш бўйича тизимли ишлар олиб борапти. Бугунги кунда мазкур лойиҳаларнинг аксарияти ишга туширилиб, замон талаби мо маҳсулотлар ишлаб чиқаришмоқда. Истиқболли лойиҳаларнинг мана шу тарзда ташкил қилинаётгани эса белгиланган мақсадга эришишга асосий омилдир.

**Зайлобиддин ЙИГИТАЛИЕВ,**  
"O'zbekiston bunyodkori" мухбири.

...Шунда кўп тенгдошлари қатори кичик жуссали, озгиндан келган Раҳматжон ҳам у ер-бу ердан катта-кичик тахта топиб, буқилган михларни тошлар билан тўғрилаб, ўзича нималарнидир ясамоқчи бўлаётганини отаси, узоқ йиллар далада сувчилик қилган Хўжамкелиди ака кўзни қамаштирувчи чилги узум соясиди зимдан анчагина кузатди. Ниҳоят, болакай атиги иккитагина хом гишт қуяйдиган қолип ясаганини кўрган отаси хурсанд бўлиб ўрнидан турди-да Раҳматжоннинг елкасини астагина қоқди ва бошини силади.

– Нима қилмоқчисан, ўғлим?  
Отасининг тўсатдан берган саволидан эсанкираб қолган Раҳматжон қўрқа-писа жавоб берди:

– Гишт қуйиб, товукларни катагини янгиламоқчиман.

– Товукларни катаги бор-у.

– Гиштдан қуриб, суваб қўяман. Қишда ҳам совқотишмайди.

– Бу дейман, сен бола келажақда қурувчи бўласан, шекилли а, ўғлим?

– Қанақа қурувчи, – ошхонада куймаланиб юрган онаси Муборақхон ая ота-боланинг суҳбатига аралашди.

– Шифокор бўлади. Мана қаранг, кунда кун-ора мазангиз қочаяпти. Мен ҳам соғлигимдан мақтанолмайман. Раҳматжон врач бўлса, ҳаммаимизни даволайди, тўғрими, болам?

Раҳматжон билмадим, дегандай елкасини қисди. Лекин отаси унга қараб, кўзини қисди ва бошини бир-икки силкитиб қўйди. Билдики бу – отасининг розилик тасдиғи эди. Шу-шу Раҳматжонда қурувчиликка қизиқиш пайдо бўлди.

Мақтабда математика, физика, геометрия каби фанларни чуқур ўзлаштириб берди.

Урта мактабни аъло баҳолар билан тамомлаган Раҳматжон 1989 йили Тошкент темир йўллар институтининг қурилиш факультетига ўқиб, қурувчи-муҳандис дипломини олди. Ёш мутахассис Тошкентдаги темир йўл қурилишида,

Риштон туманида жойлашган виллоят 3-қурилиш трестига, 78-механизациялашган қурилиш бошқармасида ва кейинчалик 540-ПМКда муҳандис, бошқарувчи вазириларида ишлади.

Уша йиллари тиниб-тинчимас, ҳар соҳага қизиқувчи, ташкилотчи Раҳматжон Расуловнинг "Мустақиллик" фирмаси бор эди. Хусусийлаштириш даври бошлангач, фирми ёпилди ва 2000 йилда унинг негизига "Мадина"

# ҚУРУВЧИЛИК – одамларга қувонч улашадиган касб



кўп тармоқли хусусий фирмаси ташкил қилинди. Фирма асосан мактаб ва боғча биноларида капитал ва жорий таъмирлаш ишларини олиб борди. Хусусан, Сўх туманининг Тул ва Сариканда қишлоқларида коллежлар, мактаблар ҳамда Риштондаги Саноат касб-хўнара коллежи биноси, Пандигон, Капа, Оқ-ер қишлоқларидаги турли давлат ташкилотлари биноларини сифатли қуриб, фойдаланишга топширди.

Ҳар қандай инсонни ҳаётда йўл-йўриқ кўрсатувчи устози бўлиши табиий. Ана шунини эътиборга олганда Раҳматжон Риштон туманидаги собиқ 78-механизациялашган қурилиш бошқармаси бошлигининг ўринбосари, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган қурувчи Уринбой Собиров, бошқарма бошқарувчиси Эргашбой Эркинов, шунингдек, таниқли қурувчи Аъзамжон Эргашевларни ҳақли равишда ўзининг устозлари, дейди

ва уларнинг берган панду-насихатлари, ўғитларини ҳозиргача ишида қўллаб келади.

– Сизнингча қурувчилик қандай касб? – сўраймиз Раҳматжон акадан.

– Қурувчилик – одамларга қувонч улашадиган касб. Масалан, йиллар давомида ижарада яшаб юрган оилага янги, ҳамма қулайликларга эга уйнинг ҳатто уй эгалари ҳам назорат қилаяпти. Ҳаммаси назоратда. Бундан биз ҳам хурсандимиз. Сабаби, беш қўл баробар эмас деганларидай, иш пайтида бирор камчиликка йўл қўйилса, унинг эгаси уни кўрсатади ва жойида ҳал этилади. Янги уйда яшаётган фуқаро қанчалик хурсанд бўлса, кўнглингиз ҳам шунчалик ёруғ бўлади. Мана, ҳозир ҳам шу қурилатган уй эгалари билан беамал суҳбатлашиб ўтиришимиз. Агар уйда бирор нуқсон бўлганда, мен бу ерда



## ҚАШҚАДАРЁДАН ДАРАКЛАР

### Янги корхона иш бошлади

**Шухрат НОРМУРОВОВ,**  
"O'zbekiston bunyodkori" мухбири.

Қашқадарё вилоятининг 2022 йилги дастурига асосан Китоб туманида лойиҳа қиймати 15 миллиард сўмлик "SS SPECIAL STONE" МЧЖ корхонаси ташкил этилди.

Мазкур лойиҳани амалга оширишда ташаббускор тадбиркорнинг ўзи маблағлари ва АТБ Халқ банки туман филиали томонидан ажратилган

900 минг АҚШ доллар миқдоридида кредит асос бўлди. Ҳозирда Хитой давлатидан кўшимча ускуналар олиб келиб ўрнатилмоқда. 16 минг тонна

қуруқ қурилиш қоришмалари ишлаб чиқариш қувватига эга корхонада айна вақтда 15 нафар ишчи-ходим меҳнат қилади.

## Чироқчида "Агротарказ" очилди

"Агротарказ"нинг очилиш маросимида туман ҳокимлиги, қишлоқ хўжалиги мутахассислари, фермер ва томорқа ер эгалари иштирок этишди.

АТБ "Агробанк"нинг туман филиали ташаббуси томонидан ажратилган кредит ҳамда тадбиркорнинг ўзи маблағлари ҳисобидан фойдаланишга топширилган мазкур марказ аҳолига томорқа хизмати, малакали агрономлар хизмати, ўсимликларни ҳимоя қилиш воситалари савдоси, ўғитлар савдоси, шунингдек, ветеринария хизматини кўрсатади.

## Дорихона аҳолига тухфа бўлди

Қарши шаҳрининг Насаф кўчасида қуриб битказилган 4 қаватли кўракма бинонининг 1-қавати дорихона сифатида фойдаланишга топширилди. Унда 20 киши доимий иш билан таъминланди.

Бинонинг очилиш тадбирида сектор раҳбарлари, нурунийлар ва жамоатчилик вакиллари иштирок этишди. Улар мустақиллик байрами арафасида ушбу дорихонанинг ишга туширилиши шаҳар аҳолиси учун ажойиб тухфа эканини таъкидлашди. Тадбиркор А. Янгибоевнинг айтишича, "Fezuga farm medical" клиникаси лойиҳасининг умумий қиймати 5 млрд сўми ташкил этилди. Келгусида бинонинг 2-, 3-, 4-қаватларида клиника ташкил этилиб, бу ерда онкология, урология ва неврология бўлимлари жойлашади.

## ТУҒИЛГАН КУНИНГИЗ МУБОРАК БЎЛСИН!

Август ойининг шу ҳафтасида  
таваллуд айёмларини нишонлаётган

Ўзбекистон Республикаси Қурилиш вазирлиги Йиғма ахборот-таҳлил бошқармаси етакчи мутахассиси **Нодир Ходжаев**, Ижро назорати бўлими бошлиғи **Вағиф Мамедов**, Қурилиш соҳасида назорат инспекцияси Қурилиш-монтаж ишлари устидан назорат бўлими етакчи инспектори **Асрор Тўраев**, раҳбар котибаси **Нигора Шерматова**, ҳайдовчи **Азизжон Шодазимов**,

"Шаҳарсозлик хужжатлари экспертизаси" ДУК Қорақалпоғистон Республикаси филиали компьютер бўйича техник **Шодибек Холмуратов**,

"Шаҳарсозлик хужжатлари экспертизаси" ДУК Навоий вилояти филиали мутахассиси **Меҳриддин Мирзобеков**,

Сирдарё вилояти, Сирдарё тумани қурилиш бўлими аҳоли пунктларининг шаҳарсозлик хужжатларини ишлаб чиқиш ва уни амалга ошириш бўйича архитектор **Шадман Эшбаев**,

Хоразм вилояти қурилиш бош бошқармаси хўжалик ишлари мудири **Достон Рустамов**, Хонқа тумани қурилиш бўлими объектларни жойлаштириш ва бош режаларни амалга ошириш масалалари бўйича архитектори **Имомалдин Рўзметовларни** таваллуд кунини билан чин дилдан муборакбод этамиз.

Уларга сиҳат-саломатлик,  
узоқ умр,  
оилавий хотиржамлик,  
муштақам соғлиқ тилайми!

Андижон вилояти, Булоқбоши тумани қурилиш бўлими объектларни жойлаштириш ва бош режаларни амалга ошириш масалалари бўйича архитектори **Одина Мамажонова**, Балиқчи тумани қурилиш бўлими объектларни жойлаштириш ва бош режаларни амалга ошириш масалалари бўйича архитектори **Машрабжон Солиев**,

Бухоро вилояти, Жондор тумани қурилиш бўлими бош мутахассиси **Иззатулло Убайдуллаев**, Қорақўл тумани қурилиш бўлими бошлиғи в.б. **Фахритдин Жўраев**,

Жиззах вилояти, Шароф Рашидов тумани қурилиш бўлими бош мутахассиси **Жавлон Комилов**,

турмас эдим. Шукрки, мен раҳбарлик қилаётган фирмада бундай ҳолатлар бўлмаган ва бўлмайди ҳам.

Устозлар берган панду-насихатлар, ота-онасининг дуоси туфайли Раҳматжон ҳаётда кам бўлмади. Турмуш ўртоғи билан 4 ўғил, 1 қизни эл қорига ярайдиган инсонлар қилиб тарбиялашди. Ҳаммаси олий маълумотли. Катта ўғли Музаффаржон уйли-жойли, ўзи билан бирга фирмада ишлайди. 2016 йили ФарДУнинг иқтисодиёт факультетини тамомлаган Илҳомжон Фарғонадаги "Қишлоққурилишбанк" минтақавий филиалида ишлар эди. Янги қурилатган уйларнинг олти-сотдиси, банк операциялари мураккаблашиб, ҳужжат ишлари анчайин қийналишиб қолгач, Раҳматжон ака Илҳомжонни ҳам фирмага ишга олиб келди. Кейинги ўғли Фарҳоджон эса Москва пўлат қоришмалари институтига ўқиган. Ҳозир оиласи билан Тошкентда яшаб, механика қурилиш заводида ишлайди. Ҳабибжон эса травматолог, Фарғонада тез тиббий хизматда врач. Кенжа фарзанди Мадинахон эса мактабда ёшларга билим бериб келмоқда.

Ҳозирги кунда фирмада 70 га яқин ишчи меҳнат қилади. Ойлик маошлар ўз вақтида берилди. Қурилиш материаллари ишлаб чиқарувчи корхоналар билан доимий алоқа ўрнатилган. Бирорта маҳсулот келмай йи тўхтаб қолган ҳолатлар деярли бўлмаган.

– Бир кунни ҳокимиятда озгина ушланиб қолиб объектка келсам, ҳамма ишчилар бекор ўтиришибди, – деди Раҳматжон ака қулимсираб. – Ўғлим Музаффаржон эса телефонда ким биландир тортишяпти. Маълум бўлишича, объектка гишт заводдан бироз кечикиб келиши айтилган, ўғлим эса бундан жиги-бийрон бўлаётган экан. Ўғлимни қўлдан телефонни олиб, ўша гишт заводининг раҳбари, қадрдоним билан гаплашдим, иш тезда ҳал бўлди. Маҳсулот етиб келди ва иш бир маромда давом этди. Демокчиманки, қурилишда сен-менга бориб ишласа, барака бўлмади. Ҳамма гап аҳилликда, ширинсуханликда. Сабаби, биз юрт хизматидамиз. Олдимизга қўйилган ҳар қандай вазифани омилкорлик, билим ва катта тажриба билан енгиб ўтиб, ютқуқа эришамиз. Президентимизнинг аҳолини уй-жой билан таъминлаш борасида олиб бораётган сиёсати менга ёқди. Биз ҳам бошида икки қаватли уйлар қурдик. Одамлар олармикан, деган ҳавотирда эдик. Йўқ, талаш бўлиб кетди-ю. Ҳозир ҳам ҳали битмаган уйнинг дастлабки бадалини тўлаб қўйганлар анча.

Шу ўринда шахсий фикрим бор. Айрим чет давлатлардаги уйлар қўрғон усулида қурилади. Яъни, ҳамма томони берк. Бу дегани, 10-15 қаватли уйлар айланасига қуриланган. Фақат бир жойдан қуриб чиқилади. Қўрғонни ичиди автотураргоҳ, болалар майдончаси-ю, турли савдо мажмуалари ҳам бор. Бундай ҳолатда, ўғрилқлар, жиноятлар камайиши табиий. Чунки қўрғонга ким кириб чиқаяпти, камера ёзиб боради-да, назорат қилиб. Келгусида бизда ҳам шу усул қўлланилса, ҳар томонлама ахши бўлар эди.

– Фирмада 30 йилдан бери Раҳматжон билан бирга ишлайман, – деди иш бошқарувчи Одиложон Хусанов. – Фейли ҳаммабоп. Иш юзасидан талаб қилини билади, қаттиққўл. Устознинг 20 га яқин шогирдлари бугунги кунда виллоятимизнинг турли ҳудудларидаги қурилиш ташкилотларида фаолият юритиб келишмоқда.

Ҳар кунни эрта тонгдан ишга отланган Раҳматжон ака узоқдан қурилиш битай деб қолган уйларга боқиб, ҳадемай бу ерда болажонларнинг шодон қайиригини тасаввур қилади-да, "Узларингдан кўлаиб, бахтли бўлинглар", деб юзига фотиҳа тортади.



ЎЗБЕКISTON BUNYODKORI  
СТРОИТЕЛЬ УЗБЕКИСТАНА

ТАХРИР ХАЙЪАТИ:

Батир Закиров  
(Тахрир хайъати раиси),  
Козим Туляганов,  
Эркин Искандаров,  
Ботир Зарипов,  
Юлдаш Магруппов,  
Жамшид Исмаилов,  
Ғолибжон Маджидов,  
Қўдратбек Хошимбеков.

ТАХРИРИЯТ:

Бош муҳаррир **Дилшод Жалолов**

Бош муҳаррир уринбосари **Абдусами Ҳақбердиев**

Саҳифаловчи **Акмал Махкамов**

Мусаҳҳих **Марҳамат Муслимонқуллова**

Газета «Ўзбекистон бунёдкори»  
Наشريёт уйи МЧЖ томонидан  
нашрга тайёрланди.

«ЎЗБЕКISTON БУНЁДКОРИ»  
НАШРИЁТ УЙИ МЧЖ  
МУАССИСЛАРИ:

Ўзбекистон Республикаси  
Қурилиш вазирлиги,  
«Ўзсанокатурилишматериаллари»  
уюшмаси, «ЎЗГАШКЛИТИ» ДУК,  
«ЎзшаҳарсозликЛИТИ» ДУК,  
«Қишлоқ қурилиш инвест» ИК МЧЖ,  
«ЎзгеорангметЛИТИ» ДУК.

ТАХРИРИЯТ МАНЗИЛИ:

100011, Тошкент шаҳри,  
Абай кўчаси, 6-уй.  
Телефонлар:  
71-244-21-71 (қабулхона),  
71-244-15-13 (котибият),  
71-244-22-10 (бухгалтерия),  
71-244-05-15 (реклама ва обуна бўлими).  
E-mail: uzbyunyodkori@mail.ru

ВИЛОЯТ МУХБИРЛАРИ  
ТЕЛЕФОН РАҚАМЛАРИ:

Қорақалпоғистон  
Республикаси: 90-590-37-15.  
Андижон вилояти: 93-410-15-18.  
Бухоро вилояти: 99-705-50-15.  
Жиззах вилояти: 99-525-30-05.  
Навоий вилояти: 99-731-17-40.  
Наманган вилояти: 90-553-02-34.  
Самарқанд вилояти: 95-560-30-45.  
Сурхондарё вилояти: 91-981-61-63.  
Фарғона вилояти: 90-230-85-23,  
90-163-63-82.

Қашқадарё вилояти: 99-503-43-39.  
Хоразм вилояти: 97-459-74-85.

Газета 2016 йил 25 июлда  
Ўзбекистон Матбуот ва ахборот  
агентлигида 0874-рақам билан  
руйхатга олинган.  
Нашр индекси – 466.  
Буюртма – Г-843.  
1859 нусхада босилди.  
Қоғоз бичими А-2.

Ҳажми – 2 табоқ, офсет усулида  
босилган. Баҳоси келишилган  
нарҳда. ISSN 2181-8762.  
Тахририятга келган қўлёзмалар  
тақрир қилинмайди ва муаллифга  
қайтарилмайди.  
Газета тахрират компьютер  
марказида терилди ва  
саҳифаланди.

Газетанинг полиграфик жиҳатдан  
сифатли чоп этилишига  
«Шарк» нашриёт-матбаа  
акциядорлик компанияси масъул.

КОРХОНА МАНЗИЛИ:

Тошкент шаҳри,  
«Буюк Турон» кўчаси, 41.

Навбатчи муҳаррир –  
А. Ҳақбердиев.  
Навбатчи – И. Ибодулло.

ЎзА якуни – 21.35.  
Топширилди – 22.10.

1 2 3 4 5 6

Газетамизнинг 58-59-сонларида  
навбатдаги соннинг  
чиқиши бўйича хатоликка  
йўл қўйилганлиги сабабли  
муштарийлардан уэр сўраймиз.  
Газетанинг навбатдаги сони  
2022 йил 23 август кунини чиқади.